



МУСИҚИЙ ИЖОДКОРЛИК ТАШАББУСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

DEVELOP A MUSICAL CREATIVITY INITIATIVE

Dadaboev Hasanboy Maratovich

Lecturer at the Department of Music Education Andijan State University

Dadaboev67@bk.ru

Annotation

The formation of hard work in the student from an early age, the development of performance skills, the expression of emotional experiences in the play and the gradual development of performance techniques.

Keywords: teacher, student, music, work

Болага ёшлигидан дойимий меҳнат ўз самарасини беришини сингдириб бориш лозим. **Ушинский** 1860 йилда чоп этган асарида "Меҳнат баҳт олиб келиши керак" деб ёзган, хамда ҳалқимизда хам бешикдан қабргача илм изла деган гап хам бор. Ушинский инсонди баҳтли бўлиши учун эмас балки хаётий меҳнатга таёrlаш керак деб ёзган, чунки ўз устида меҳнат қилган инсон кўп ютуқларга эришади. Демак хар бир педагог болада меҳнатсеварлик қўникмаларини шакллантиртшга этиборини қаратиш керак.

1. Дойимий меҳнат қилиш инсонда мусиқага, санъатга бўлган мухаббатини уйғотади ва ўз олдига қўйган мақсадларга эришишда ёрдам беради.

2. Мехнатнинг самародорлиги ўқувчининг ўз ютуқларига қисқа фурсатда эришишга ёрдам беради.

Ўқитувчи ўқувчининг ўз устида яхши иш олиб бораётганлигини айтиб ва янада кўп ютуқларга эриша олишини такидлаб туриши керак. Ўқувчига ўрганган билимига қараб вазифа бериши лозим ва унинг ўрнига ўқитувчи вазифасини бажариб бериш керак эмас, чунки шу машҳулотлар ёрдамида бола олдига қўйилган вазифасини ўз кучига ишониб бажаришни ўрганади. Бази бирги гитара ижрочиларини кузатганимизда бир нечта репертуар билан хам сезиларли даражада яхши ютуқларга эришганини кўрганмиз. Лекигин С.В. Рахманинов ўз маслаҳатларида "Бир нечта асар ижро этиб-мусиқашунос бўла олади дегани эмас" деб ёзганлар. Бу йўналиш ўз ичидаги нечта мусиқани ташкил этган мусиқий қутичага ўхшайди. Иш режасини тузатётганда, ўқувчининг билимига асосланиб, бир нечтага кўп асар хам қўшиб тузиш керак, бу ўқувчида янада кўпроқ асарни ўрганишида қизиқиш уйғотади. Ўқитувчи ўз шогирдини мусиқий ижрога ўргатаётганда, у аввало ўқувчини қалбида **Хислар оловини** ёқа билиши керак, чунки мусиқа ички хиссиётлардан келиб чиқади. Бу ўқув жараёнини бир нечта турлари мавжуд:

1. Холатий хиссиёт бу ўқувчининг дарс жараёнинда ёки сахнада бирон бир асар ижро этаётганда вужудга келадигон хиссиёт.



2. Ижодий хиссиёт бу ярататтган образди ижросида вужудга келадигон хиссиёт.
3. Аста секин ривожланадигон хиссиёт бу ўқувчини ўрганаёттган асарини ичига кириб, тушуниб кегин юзага чиқарадигон хиссиёт.
Гитара ўрганаёттган ўқувчиларга бир-бирларини ижросини синфда эшитиш фойдали, чунки улар шу ёрдамида ўзларидаги камчилик хамда ютуқларини кўра олишади.

Ижодий Бирлик Ва Техник Ривожланиши

Мусиқий ижрошини мусиқий бадиий асарни гўзал ижросидан ташқари, маҳоратли техник безаксиз тасаввур қилиш қийин. Бундан шундай хулоса қилиш керакки, мусиқий таёргарликни узвий боғлиқлиги хамда мусиқа ижрошини пухта таёргарлик кўриши мухум ахамиятга эга. Ўқитиш жараёнида бази бир ўқитувчиларни хато усуллар билан таълим бериши кузатиб келинмоқда. Бунда сен яхши ижро эта оласан, лекин мен сендан кўра тезроқ ижро этаман, деган нотўғри фикирни ўқувчидаги кашф этади. Бу ўқитиш усули тез лекин самарасиз таълим хисобланади, чунки ўқувчи нимани ижро этаётганини тушуниб етмайди. Ўқитувчи ва ўқувчининг бадиий фикри бир жойдан чиқиши керак, шунда таълимни самараси юқори бўлади. Ўқитувчи ўқувчининг бадиий хамда техник таёргарлигига асосланиб дарс режасини тузиб олиши лозим. Шунинг учун ўқитувчи олдидан ўқувчига қандай усулда таълим беришни режа қилиб олиш керак. Бу тузумнинг бир қатор усуллари мавжуд.

1. Алоҳида якка таълим-бу иш режа, аниқ дастурга асосланиб бадиий хамда техник томондан пухта режалаштирилган ўқитиш усули

2. Давомийлик ва доимий қизиқишлилар қийинчилиги.

Ўқувчининг мусиқий техник ривожланиши яхши оддий ва осон бўлиши керак, шунинг учун янги репертуар олдингига қараганда қийин бўлсаҳам, ўзлаштириши керак. Ўқитувчининг дарс жараёни қизиқарли дарсликлардан иборат бўлиши керак. Якка иш режа тузабётгандаги ўқитувчи бадиий асарни авзалликларига мухум этибор бериши лозим, чунки бу мусиқий ижрога таъсир кўрсатиши мумкин. Ўқитувчини хар томонлама мусиқий ижросини ривожланиши-бу мусиқий тарбияни энг мухум вазифаларидан хисобланади. Шунинг учун якка иш режани бадиий асарни турига, жанрига этибор қаратиши керак. Янги асар ўқувчидаги алоҳида қизиқишиш уйғотади, агар у олдинги ўрганган асарларига узвий боғлиқ бўлса. Ўқувчининг хошиш ва қизиқишлиларига қараб тузилган мусиқий таълим яхши натижаларни олиб келади, чунки ўқувчи ўзига маъқул келган асарни янада иштиёқ билан ўрганади. Ўқувчи ўрганаёттган асар у учун фойдали эканлигини билишдан ташқари, у шу асарни севиб қолиши керак. Ўқитувчи шу таълимни сингидириб бориши лозим. Ўқувчининг энг керакли интилишларидан бири бу ўрганаёттган асарни тинимсиз ўрганиб ва унинг техникасини ўзлаштириши керак хисобланади. Гитарачи созанда бадиий хамда техник ривожланиш бирлигига мусиқий эштиш қобилияти мухум ўрин эгаллайди, янги асарни тез ўзлаштиришида биринчи ўринда унинг эшитиш, фикрлаш қобилияти ривожланган бўлиши керак.



Academica Globe: InderScience Research

ISSN: 2776-1010 Volume 3, Issue 5, May, 2022

Адабиёт

1. D. Erlanger << Za. musigue arabe Bd I Paris >> 1930, 285 bet
2. А. Семёнов. Трактат по музыке Дервиша Али (XII век), Ташкент, 1946, 18-19 стр.
3. Н.Н.Миронов. Музыка узбеков. Самарканд, 1929...